



ТАЪЛИМ МЕНЕЖМЕНТИ ВА УНИНГ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ БОШҚАРУВИДАГИ ЎРНИ

Доц. Х.М.Эшонқулов

Жиззах Давлат Педагогика Институтини



Аннотация.

Мақолада мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнда таълим менежменти ва унинг таълим муассасаларини бошқаришдаги ўрни ҳақида мулоҳазалар олиб борилган.

Калит Сўзлар:

Рахбар, менежмент, таълим муассасалари, фаолият, одиллик, ташаббус, ғоя.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ташкилот ва корхоналарнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш кўп жиҳатдан замон талабларига жавоб берадиган рахбар ва мутахассисларни тайёрлаш сифатига боғлиқ. Бугунги кунда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш шароитида рахбарларни (бошқарувчиларни) тайёрлаш уларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда менежмент алоҳида ўрин тутди. Менежмент фанининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари узоқ вақт давом этиб келаётган тарихий даврлар билан изоҳланади. Менежмент алоҳида мустақил фан сифатида XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида шаклланди.

Менежмент инглизча сўз бўлиб ўзбек тилида бошқарувни ташкил этиш (бошқариш, бошқарув ҳокимияти, ташкил этиш), рахбарлик қилиш (режалаштириш, тартибга солиш-мувофиқлаштириш, назорат қилиш) маъноларини англатади. Менежмент – бу кўзланган мақсадларга эришиш учун фаолиятни, яъни инсонлар ёки уларнинг гуруҳлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда бошқариш усуллари, шакллари ва воситалари мажмуи. Содда қилиб айтганда, менежмент умумий ҳолда у ёки бу фаолият турини ташкил этишни ва унга рахбарлик қилишни, яъни турли хил соҳаларда фаолият кўрсатаётган инсонларнинг хатти-ҳаракатларини, муносабатларини мувофиқлаштириш уларнинг имкониятлари ва қобилиятларидан тўғри фойдаланишни ташкил этиш, назорат қилиш ва бошқаришни билдиради. Менежмент энг аввало инсонларни бошқаради, уларни ўз фаолиятига қизиқтириш, тадбиркорликка меҳнатга ижодий ёндашиш, ўзига ишониш туйғуларини шакллантириш, соҳалар бўйича билим, кўникма ва малакаларини эгаллашга кўмаклашиш таълим-тарбия жараёни иштирокчилари бўлган рахбарлар, мутахассислар ва ижрочиларнинг муносабатлари ва фаолиятларини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ҳамда самарали бошқаришни таъминлашдан иборат.

Менежмент фанининг шаклланиши даврига қадар, инсоният пайдо бўлган даврдан бошлаб, инсонлар у ёки бу шакл ва мазмунда фаолият кўрсатганлар.

Қадимда ва айниқса, ўрта асрларда шаклланган давлатлар империялар фаолияти мураккаб ташкилотларни бошқариш амалиётидан дарак беради.

Бошқарувнинг дастлабки куртаклари қадим замонларга бориб тақалиб, Ю.Цезарь, А.Македонский, Туркистонда эса ўрта асрларда Амир Темур ҳукмронлиги вақтидан бошлаб шакллана бошлаган. Дастлабки пайтларда у оддий бўлиб, асосан ҳарбий тавсифга эга эди.

Капитализм тузумининг бошланғич даврида тадбиркор – мулк эгаси ишлаб чиқаришни ўзининг шахсий тажрибасига таяниб бошқарган.

XVIII асрнинг охирларида Англияда бўлган саноат инқилоби бошқарувга бўлган қизиқишни янада кучайтиради. Бошқарув ходимларини тайёрлашга алоҳида эътибор берила бошланади.

XIX асрнинг иккинчи ярмида ва XX аср чегарасида техника ва технологиянинг такомиллашуви, ишлаб чиқаришнинг кескин ўсиши бошқаришни мураккаблаштириб юборади ва уни фаолиятнинг махсус билимларни талаб этувчи махсус соҳасига айлантиради. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун бошқарув соҳасидаги тажрибани умумлаштириш, ишлаб чиқариш ва ходимларни излашга олиб келади. Натижада бошқарув тўғрисидаги илм, фан вужудга келган.

Ф.Тейлор (1856-1915) менежментни ўрганишга киришган биринчи мутахассислардан, уни инсон самарадорлиги эмас, ташкил қилиш фаолияти самарадорлиги қизиқтирган бўлиб, илмий бошқариш мактабининг ривожланишига асос солди ва “илмий бошқариш” мактаби асосчиси сифатида меҳнатни меъёрлаш асосларининг методологиясини ишлаб чиқди, амалиётга ишчиларни танлаб олиш, жойлаштириш ва меҳнатни рағбатлантириш илмий ёндашувини татбиқ қилди.

Бошқариш фанининг ривожланиши Ф. ва Л. Шилбертлар номи билан ҳам боғлиқ. Улар меҳнат ҳаракатлари соҳасида тадқиқотлар ўтказиб, иш жойини ташкил қилишнинг илмий тамойилларини ишлаб чиқдилар.

Бошқарув назариялари асосчиларидан бири А.Файоль бошқариш жараёнининг 5 та асосий функциялари: режалаштириш, ташкил қилиш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, раҳбарлик ва назоратни ажратиб кўрсатади. А.Файоль томонидан ишлаб чиқилган тамойилларнинг моҳияти қуйидагича: меҳнат тақсимоли; авторитет ва ҳокимият масъулияти; интизом; раҳбарлик бирлиги; фармойиш бирлиги; шахсий манфаатнинг умумий манфаатга бўйсунуши; меҳнатни рағбатлантиришнинг марказлашган ва марказлашмаган бошқарув мувозанати; бир турдаги менежерларнинг ишини мувофиқлаштириш; тартиб; одиллик; самимийлик; ходимлар қатъийлиги; ташаббус.

Р.Оуэн биринчи бўлиб кишиларга эътиборни қаратиш зарур деган фикрни олға суради, унинг ғояси бўйича фирмалар станок ва машиналарга қарашга кўп вақт сарфлаб одамлар ҳақида оз ғамхўрлик қилади. Унинг асосий мазмунини инсонларга ҳам эътибор қаратиш, улар учун ҳам вақт сарфлаш, уларга ғамхўрлик қилиш, дам олишлари учун қулай имкониятлар яратишдан иборат.

Э.Мейр “Инсон муносабатлари” мактабининг асосчи ҳисобланади. У ишчилар гуруҳи ўз назорат тизимида эга бўлган ижтимоий тизим эканлигини асослаган ҳолда мазкур тизимга маълум тарзда таъсир этиб меҳнат натижаларини яхшилаш мумкин деб ҳисоблаган эди. Инсон муносабатлари ҳаракатга эса ишлаб чиқаришга қаратилиши сабабли инсон муносабатлари ҳаракати бутун илмий ҳаракатга қарама-қарши туриб қолди. Асосий ғоя шундан иборатки, кишиларга оддий эътиборни қаратиш меҳнат унумдорлигига катта таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим тизимидаги замонавий ислохатлар, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳамда бозор иқтисодиёти чуқур илдиз отиб бораётган даврда кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ бир қатор янги талаблар юзага келди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим тизимидаги ислохатлар таълим тизимини бошқариш механизмларини ўзгартириш, такомиллаштиришни, яъни бошқарувнинг маъмурий буйруқбозлик методларидан воз кечиб, ижтимоий-иқтисодий, замонавий талабларга мос келадиган, демократик тамойилларга асосланган бошқарув тизимини шакллантириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Адабиётлар:

1. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. Т., “Ўқитувчи”, 2001.
2. Джураев Р.Х., Тургунов С.Т. Таълим менежменти. Т., 2006.
3. Тагаев Х., Эшонкулов Х.М. Рациональное управление научно исследовательской работой студентов. М., 2015.
4. Эшонкулов Х.М. Мактабга таълим муассасалари бошқарувини математик моделлаштириш. Казань, 2020.